

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Поклик иймоннинг ярмидир. «Алҳамдулиллаҳи» тарозини тўлдирур. «Субҳаналлоҳи ва алҳамдулиллаҳи» осмонлару ернинг орасини тўлдирурлар ёки тўлдирур. Намоз нурдир. Садақа бурҳондир. Сабр зиёдир. Қуръон сенинг фойданга ёки зараринга ҳужжатдир. Барча одамлар ҳаракат қилиб, ўз жонини савдога қўювчидир. Бас, улар уни озод қилувчи ёки уни ҳалок қилувчилардир», дедилар».

Муслим, Насайй ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу муборак ҳадисларида бир неча савобли амалларнинг бошида покликни юқори баҳолаб зикр қилганлар.

Энди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисда зикр қилган фазилатли амаллар билан бирма-бир танишиб чиқайлик:

1. «Поклик иймоннинг ярмидир».

Бу жумладаги покликдан мақсад, риё, кибр, ҳасад каби маънавий ҳамда барча моддий нопокликлардан пок бўлишдир. «Таҳорат, яъни поклик иймоннинг ярми» дейилиши усиз ибодат қабул қилинмаслиги ва савоби беҳуда кетишидан, иймон бўлмаса, ибодат умуман қабул қилинмаслиги эътиборидан келиб чиқиб айтилмоқда ва поклик иймоннинг ярмига тенглаштирилмоқда.

Исломда иймоннинг қадр-қиммати қанчалик юқори эканлигини яхши биламиз. Поклик иймоннинг ярмига тенглаштирилганидан ҳам Ислом дини озодалик, поклик ва тозалikka қанчалар эътибор берганини билиб олсак бўлаверади.

Бу ўз навбатида биз, мусулмонлар динимиз талабига яраша бўлишимиз кераклигини ҳам билдиради.

Шундай экан, покликни иймоннинг ярмига тенглаштирган динимизга қанчалик амал қилмоқдамиз?

Аввало, динимиз талабига яраша маънан покмизми?

Қолаверса, моддий жиҳатдан ҳолимиз қандай?

Мусулмонлар оммасининг баданлари, кийимлари, турар-жойлари, кўчалари, қишлоқ ва шаҳарлари бошқаларникидан кўра қанчалик озода?

Ёки биз учун бу айтилатган сўзлар қуруқ гапдан иборатми?

Айтилганларга амал қилишни қачон бошлаймиз?

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди